



COOPERATION BETWEEN CYBERSECURITY UNITS OF THE CRIMINAL INVESTIGATION SERVICE AND CITIZENS' SELF-GOVERNING BODIES

Mehmonali Suvankulov

Head of the Department of Legal Sciences, Institute of Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, PhD in Law, Professor
https://doi.org/10.5281/zenodo.20731015

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026
Accepted: 08th June 2026
Online: 09th June 2026

KEYWORDS

Cybersecurity, cybercrime, mahalla, prevention, money mule, bank card.

ABSTRACT

This article analyzes the prevention and solving of cybercrimes through cooperation between cybersecurity units and citizens' self-governing bodies. Based on 2025 statistics, it highlights key threats and legal gaps, and provides recommendations.

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ ХИЗМАТИ КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор
https://doi.org/10.5281/zenodo.20731015

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026
Accepted: 08th June 2026
Online: 09th June 2026

KEYWORDS

Киберхавфсизлик, кибержиноят, маҳалла, профилактика, дроп, банк картаси.

ABSTRACT

Мақолада киберхавфсизлик бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги орқали кибержиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш масалалари таҳлил қилинган. 2025 йил статистикаси асосида асосий таҳдидлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар ёритилиб, таклифлар берилган.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида кибермакон жамоат ҳаётининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб, ушбу соҳадаги хавфсизлик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шу билан бирга, кибермаконда содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар кўламининг ортиши фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари, шахсий

дахлсизлиги ҳамда жамоат хавфсизлигига нисбатан янги турдаги таҳдидларни юзага келтирмоқда. Ушбу шароитда ички ишлар органлари тизимидаги киберхавфсизлик бўлинмаларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ички ишлар органларининг киберхавфсизлик бўлинмалари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган



ҳолда кибержиноятларнинг олдини олиш, уларни фoш этиш ва жиноятчиларни аниқлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. 2024–2025 йиллар бўйича таҳлиллар кибержиноятларнинг асосий қисми фуқароларнинг банк пластик карталари ва электрон тўлов тизимлари орқали пул маблағларини ноқонуний эгаллаш билан боғлиқ эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, жинoий схемаларда фуқаролар номига расмийлаштирилган SIM-карта ва банк карталаридан “дрoп” сифатида фойдаланиш ҳолатлари кенг тарқалиб, бу ҳoлат жиноятларни фoш этиш ва жинoий занжирни аниқлаш жараёнини мураккаблаштирамоқда.

Шу билан бирга, амалдаги таҳлиллар фуқароларнинг киберхавфсизлик бўйича ҳуқуқий ва амалий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек айрим ҳoлатларда моддий манфаат эвазига эҳтиётсиз ҳаракатлар содир этилиши кибержиноятларнинг кўпайишига таъсир кўрсатаётганини тасдиқлайди. Бу эса профилактик чора-тадбирларни кучайтириш заруратини юзага келтиради.

Мазкур шарoитда ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла институти орқали аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш, кибертаҳдидлар ҳақида хабардорликни ошириш, профилактик тушунтириш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда

жиноятларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш имкониятини беради.

Шу нуқтаи назардан, мавзунинг долзарблиги ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, кибержиноятчиликка қарши курашишнинг институционал ва профилактик механизмларини кучайтириш, шунингдек ҳуқуқий амалиётда мавжуд айрим бўшлиқларни бартараф этиш зарурати билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва кибермаконда жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмаларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан: кибермаконда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига, хусусан шахснинг ҳаёти, кадр-қиммати, шунингдек, мулкӣ ҳуқуқларига таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш борасида ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда.

2025 йилда *киберхавфсизлик йўналишида* 58 800 та жиноятлар содир этилган бўлиб, уларнинг 97,7 фоизи (57 480 та) фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пулларни қўлга киритиш билан боғлиқдир. Электрон тўлов тизимлари орқали содир этилган жиноятларнинг 28,3 фоизи (16 269 таси) сохта ҳаволалар юбориш орқали тасдиқловчи кодни қўлга киритиб, карта бошқарувини эгаллаш йўли



билан, 8,7 фоизи (5 123 таси) онлайн савдо платформаларида турли алдовлар билан товарлар учун тўловни олдиндан амалга оширишга эришиш орқали, 5,5 фоизи (3 191 таси) телефон қўнғироқлари орқали банк карта бошқарувини тасдиқловчи кодни қўлга киритиш йўли билан содир этилган<sup>1</sup>.

Киберхавфсизлик бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда *кибермаконда* содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларни олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

*биринчидан*, аҳолини кибермаконда содир этиладиган кенг тарқалган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, хусусан интернет орқали амалга ошириладиган ўғирлик, фирибгарлик, товламачилик, шахсий маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ҳамда банк карталари билан боғлиқ алдов ҳолатларининг содир этилиш усуллари, схемалари ва замонавий кибертаҳдидлар ҳақида тизимли равишда хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда аҳоли ўртасида киберхавфсизлик маданиятини ошириш, уларни кибержиноятчилар томонидан қўлланилаётган янги усуллардан огоҳлантириш ҳамда профилактик иммунитетни шакллантириш бўйича замонавий

ахборот-коммуникация технологиялари, ижтимоий тармоқлар, мобиль иловалар ва оммавий ахборот воситаларининг барча имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда кенг қамровли профилактик тадбирларни ташкил этиш зарур. Шунингдек, видеороликлар, инфографик материаллар, интерактив ўқув платформалар, онлайн семинар ва вебинарлар орқали аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшлар ва кекса авлод вакиллари қамраб олиш, уларга киберхавфсизлик бўйича амалий кўникмаларни сингдириш муҳимдир. Бу борада ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали профилактик тадбирларни тизимли, узлуксиз ва самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

*иккинчидан*, ижтимоий тармоқлардаги сайтлар, мессенжерлар ва турли онлайн каналларда кенг тарқалаётган кибержиноятлар, хусусан фирибгарлик схемалари, сохта ҳаволалар орқали шахсий маълумотларни қўлга киритиш, банк карталарига ноқонуний кириш, шубҳали инвестиция ва онлайн савдо платформалари орқали амалга оширилаётган алдов ҳолатлари бўйича аҳолидан келиб тушаётган маълумотларни тизимли равишда йиғиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда

<sup>1</sup> <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



кибермакондаги вазиятни доимий мониторинг қилиш, шубҳали аккаунтлар, каналлар ва контентларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ўрганиш орқали реал таҳдидларни эрта босқичда бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Шу билан бирга, фуқаролар томонидан билдирилаётган мурожаат ва сигналларни тезкор қайта ишлаш, улар асосида профилактик тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, шунингдек, ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмалари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳамкорликда мақсадли профилактик дастурлар ва тезкор ахборот алмашинуви механизмларини йўлга қўйиш орқали кибержиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

*учинчидан*, маҳалла аҳолиси, хусусан кекса ёшдаги фуқароларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва жаҳон интернет тармоғидан хавфсиз фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, уларда киберхавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, шубҳали ҳаволалар, телефон кўнғироқлари ва мессенжер орқали келадиган алдовларга ишонмаслик, нотаниш манбалардан келган хабарларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашиш каби амалий тавсияларни сингдириш бўйича тизимли тарғибот-ташвиқот

ишларини йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, аҳолига киберхужумлар ва фирибгарлик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, улар юзасидан зудлик билан ички ишлар органларининг киберхавфсизлик бўлинмалари ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ваколатли органларни хабардор қилиш тартибини тушунтириш муҳим ҳисобланади. Бу борада ўқув-семинарлар, амалий тренинглар, очиқ мулоқотлар ва кўргазмали тадбирларни маҳалла тизими билан ҳамкорликда ташкил этиш орқали аҳолининг киберхавфсизликка оид ҳуқуқий ва амалий саводхонлигини оширишга эришилади;

*тўртинчидан*, аҳолининг кибермаконда содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар иштирокчиси ёки қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида уларни интернет муҳитидаги хавф-хатарлардан самарали ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш зарур. Шу мақсадда фуқароларга ижтимоий тармоқларда учрайдиган нотаниш ва шубҳали сайтлар, мессенжерлар, мобил иловалар ҳамда дастурий таъминотлардан фойдаланмаслик, улар орқали келадиган ҳавола ва таклифларга ишонмаслик, шунингдек, бундай манбалар билан ҳар қандай алоқага киришмаслик бўйича тизимли тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, кибержиноятларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, профилактик



огоҳлантириш механизмларини кенг жорий этиш ҳамда зарур ҳолларда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали фуқароларни кибертахдидлардан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жинойят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кибермаконда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш, улардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни фож этиш фаолиятини амалга оширишда таълимий-маърифий, ахборот-таҳлилий, тезкор-қидирув, статистик ҳисоб ва дастурий-ахборот технологияларига асосланган замонавий усуллар мажмуасидан фойдаланган ҳолда иш юритади. Бу жараёнда профилактик таъсир чораларини илмий асосланган ёндашувлар билан уйғунлаштириш, маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда киберҳавфларни аниқлаш ва баҳолашнинг рақамли инструментларини қўллаш орқали ҳамкорликнинг самарадорлиги таъминланади.

Таҳлиллар натижаларига кўра, 2025 йилда интернет тармоғида ноқонуний равишда онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг пул маблағларини ноқонуний жалб этиш билан боғлиқ ҳолатлар доирасида жами 757 та интернет ресурслари аниқланиб, уларнинг фаолияти блокланган. Шунингдек, мазкур қонунбузарликларни содир этган 113

нафар шахсга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Аҳолини кибертахдидлардан огоҳлантириш ва киберҳавфсизлик маданиятини ошириш мақсадида “Cyber-Week” ва “Cyber 10 day” каби кенг кўламли профилактик-ташвиқот тадбирлари тизимли равишда ташкил этилган бўлиб, улар доирасида жами 83 800 та комплекс ахборот-таълимий тадбирлар амалга оширилган. Мазкур тадбирлар орқали 31 миллион 700 минг нафар аҳоли қамраб олиниб, уларнинг кибержинойятлардан ҳимояланиш бўйича билим ва кўникмалари сезиларли даражада оширилган.

Маҳаллаларда 24 135 та, мактабларда 2 654 та, олий таълим муассасаларида 14 117 та, шунингдек савдо комплексларида 20 108 та тарғибот тадбирлари тизимли равишда амалга оширилган. Ушбу профилактик-ташвиқот ишлари натижасида қамраб олинган аҳолининг 13 миллион 200 минг нафари ҳудудларда ўтказилган тадбирлар орқали, 18 миллион 500 минг нафари эса ижтимоий тармоқлардаги махсус тарғибот каналлари воситасида тегишли ахборот ва тавсиялар билан танишган.

Кибержинойятлардан ҳимояланиш усуллари ва ахборот хавфсизлиги қоидаларини тушунтиришга қаратилган 3 491 та видеоконтент, 1 миллион 430 мингта тарқатма материал ҳамда 2 501 та баннерлар тайёрланган ва тарқатилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали 27 400



маротаба чиқишлар амалга оширилиб, аҳолининг кенг қатламларига кибертаҳдидлар ҳақида зарур маълумотлар етказилган.

Ички ишлар вазирлигининг “YouTube”, “Telegram” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларида фаолият юритувчи “cyber 102 | IIV Kiberxavfsizlik markazi” тарғибот каналлари орқали эса 400 мингдан ортиқ обуначига 18 800 та ахборот-ташвиқот материаллари мунтазам равишда етказиб берилган<sup>2</sup>.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2023 йилдан буён ахборот технологиялари соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов жараёнларида миллий қонунчилик тизимида муайян ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги қайд этилмоқда. Жумладан, кибержиноятларни содир этишда ўз номига расмийлаштирилган банк карталари ва SIM-карталардан фойдаланишга йўл қўйган шахслар (“дроп”лар)ни маъмурий ёки жинойий жавобгарликка тортиш имконияти амалда чекланган бўлиб, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексига мазкур хатти-ҳаракатларни тўғридан-тўғри тартибга солувчи аниқ нормалар мавжуд эмас.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят ишларининг тахминан 75 фоизига фуқаролар моддий манфаат эвазига, кўпинча ўзлари беҳабар ҳолда,

кибержиноятлар орқали олинган ноқонуний пул маблағларини нақдлаштириш мақсадида банк карталари ва SIM-карталарини учинчи шахслар номига расмийлаштириб бермоқда. Бу хизматлар учун ўртача 100 000 сўмдан 500 000 сўмгача ҳақ тўланиб, натижада кибержиноятчиларга жиноятни яшириш, пул оқимларини легаллаштириш ҳамда изларни йўқотиш имконияти яратиб берилмоқда.

Мазкур ҳолатлар жиноятларни фош этиш жараёнини қийинлаштириб, айбдор шахсларни аниқлаш самарадорлигини пасайтирмоқда. Шу билан бирга, банк карталари ва SIM-карталарни ўз номига расмийлаштириб берган фуқароларнинг ҳаракатларига нисбатан қонунчиликда аниқ ҳуқуқий баҳо белгиланмагани сабабли, уларнинг қисмига нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-банди асосида қўлланилмоқда.

Ушбу ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш орқали фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, кибержиноятларга қарши курашда жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлаш ҳамда киберхавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2025 йилда

<sup>2</sup> <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



кибермаконда содир этилаётган жиноятларнинг асосий қисми фуқароларнинг банк пластик карталари ва SIM-карталар орқали амалга оширилган фирибгарлик ҳамда “дроп” схемалари билан боғлиқ ҳолатлардан иборат бўлиб, бу кибержиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш жараёнларини мураккаблаштирмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг киберхавфсизлик бўйича билим ва кўникмаларини етарли даражада эмаслиги ҳамда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги ушбу соҳадаги хавф-хатарларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари киберхавфсизлик бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, киберхавфларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун ягона рақамли мониторинг ва ахборот алмашинуви тизимини жорий этиш, профилактик тадбирларни тизимли ва мақсадли

ташкил этиш, аҳолининг кибермаданиятини оширишга қаратилган ўқув-амалий ишлар кўламини кенгайтириш зарур.

Шунингдек, банк карталари ва SIM-карталарни ноқонуний тарзда учинчи шахсларга расмийлаштириб бериш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беришни аниқлаштирувчи нормаларни миллий қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали кибержиноятларда иштирок этувчи барча шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноятларни фош этиш самарадорлигини ошириш ҳамда фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга эришилади.

Умуман олганда, илмий ва амалий ёндашувларни уйғунлаштириш, профилактик ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда кибержиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.